

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01.  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ТЕШАБОЕВА ФЕРУЗА РАХИМОВНА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА “ОНА ТИЛИ ЎҚИТИШ МАХСУС  
МЕТОДИКАСИ” МОДУЛИНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**13.00.03 – Махсус педагогика**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент -2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Тешабоева Феруза Рахимовна**

Олий таълимда “Она тили ўқитиш махсус методикаси” модулини  
ўқитиш самарадорлигини ошириш технологиялари. . . . .3

**Тешабоева Феруза Рахимовна**

“Технологии повышения эффективности преподавание модуля  
«Специальная методика преподавание родного языка» в высшей  
образовании» . . . . . 25

**Teshabaeva Feruza Raximovna**

Increasing the efficiency of teaching module technologies "Teaching special  
methodology of mother tongue" in higher education . . . . . 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works. . . . .49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ТЕШАБОЕВА ФЕРУЗА РАХИМОВНА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА “ОНА ТИЛИ ЎҚИТИШ МАХСУС  
МЕТОДИКАСИ” МОДУЛИНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**13.00.03 – Махсус педагогика**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент -2022**

**Фалсафадоктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъмаси хузуридаги Олий Аттестация Комиссияси В2020.2.PhD/Ped1581 рақам билан рўхатга олинган.**

Диссертация Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасидан [www.igru.uz](http://www.igru.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий рабар:** Қодирова Ферузахон Усмонова  
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

**Расмий аъонентлар:** Шарипова Дилара Джуманиёевна  
педагогика фанлари доктори, профессор  
Якубжанова Дилобар Батиревна  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи таъкилот:** Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «15» 01 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: [igru\\_kengash@ed.uz](mailto:igru_kengash@ed.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1459 рақами билан рўхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-75-87; факс: (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2022 йил « 5 » 01 кун тарқатилди.  
(2022 йил « 5 » 01 да 62-рақамли регистр баённомаси)

**Б.С.Абдуллаева**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш рақамли илмий кенгаши, профессор  
**Р.Г.Исмаилов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш рақамли илмий кенгаши, п.ф.н., доцент.  
**Л.Р.Муминова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қўшиқдаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д. профессор

## КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон олий таълим муассасаларида бўлажак сурдопедагогларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг лингводидактик механизмлари, коммуникатив ва рефлексив технологиялари амалиётга татбиқ этилмоқда. ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан қабул қилинган Инчхон декларацияси, “Таълим ҳамма учун” дастури асосида эшитишида нуқсони бор болаларга она тилини самарали ўргатиш орқали инклюзив таълимга эришиш, олий таълимда фанларни ўқитиш методикаларини такомиллаштириш, бўлажак сурдопедагогларнинг тил ўқитишга оид касбий компетенцияларини интенсив ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ўқитиш методикаларини ривожлантириш, бўлажак сурдопедагогларни тил ўргатиш амалиётига методик тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Етакчи давлатлар АҚШ, Хитой, Япония, Франция, Германия, Сингапур, Россияда бўлажак сурдопедагогларни тайёрлашда интерфаол усуллардан самарали фойдаланиш, кар ва заиф эшитувчи болаларда она тилини ўқитиш мазмунига коммуникатив–мотивацион талабларни оптималлаштиришнинг дидактик таъминотини яратиш, ментор–ўқитувчи фаолиятига талабаларни тайёрлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, алоҳида эҳтиёжли болаларни она тилида самарали мулоқотга тайёрлаш технологияларини тизимлаштириш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз олий таълим тизимида сўнгги йилларда, мутахассисликка оид модулларни ўқитиш жараёнига жаҳоннинг илғор тенденцияларини жорий этиш, узлуксиз таълим тизимида она тилини ўқитиш мазмунини интеграциялаш, таълим жараёнига инновацияларни жорий этишнинг меъёрий асослари яратилмоқда ва “Фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграцияси асосида турли таълим хизматлари сифатини яхшилаш, таълим мазмунини индивидуаллаштириш, вариативлаштириш”<sup>1</sup> устувор вазибалар сифатида белгиланди. Натижада, инновацион таълим шароитида модулларни ўқитиш орқали бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш, махсус таълим муассасаларида она тили ўқитиш самарадорлигини оширишнинг моддий, техник, дидактик таъминотини яратишга кенг имкониятлар яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.//Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Тошкент: “Адолат”, 2017. – Б.25.

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4860-сон “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши ва ҳаётга татбиқ этилишига мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизда имконияти чекланган болаларни сифатли таълим билан қамраб олиш масалалари М.Аюпова, Л.Муминова, К.Мамедов, З.Мамаражабова, Д.Нуркелдиева, Д.Назарова, Н.Рахмонқулова, У.Файзиева, М.Ф.Хақимова, Ғ.Б.Шоумаров, Р.Ш.Шомахмудова, Д.Якубжанова, Ф.Қодировалар; замонавий таълим технологияларидан фойдаланишнинг имкониятлари Б.Абдуллаева, Р.Джураев, Н.Муслимов, Р.Сафарова, Ў.Толипов, Ж.Толипова, М.Уразова, А.Халиков, Ш.Шодмонова, Ф.Юзликаевлар; талабаларни шахс сифатида шакллантириш ва касбий фаолиятга тайёрлаш масалалари М.Арипова, Б.Гаппаров, С.Жўраева, С.Мухаммедова, Ш.Раимов, М.Таджиева, З.Ходжагелдиева, К.Қиличова, И.Қудратов, Н.Қаюмоваларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

МДХ давлатларидан В.Большов, И.Багрова, Р.Боскис, В.Воронкова, С.Зыков, Н.Назарова, Л.Нейман, Л.Носкова, О.Петрович, Ф.Рау, О.Сапранова, Н.Шматколарнинг илмий изланишларида олий таълим жараёнини ташкил этиш, коррекцион таълимни ташкил этишнинг педагогик-ташқилий ва методикаси тадқиқ этилган.

Хориж давлатларида олий таълимнинг ўзига хослиги, институционал жиҳатлари ва бошқарув ёндашувлари ҳамда бўлажак мутахассисларни касбий амалиётга тайёрлашнинг турли аспектлари D.Bok, D.Bergman, B.Klark, D.Koul, S.Mardjinson, E.Mazur, A.Maslou, G.Rozovskiyy va A.Semslar тадқиқ этганлар.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қўқон давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 574097-ЕРР-1-2016-1-СҮ-ЕРРКА2-СВНЕ-ЈР рақамли, “RUECVET: “Пилотирование Европейской системы перевода зачетных единиц (кредитов) для профессионального образования и обучения (ECVET) в национальных системах профессионального образования и обучения России и Узбекистана” номли халқаро грант доирасида бажарилган (2016-2019 йй.)

**Тадқиқотнинг мақсади** олий таълимда “Она тили ўқитиш махсус методикаси” модулини ўқитиш самарадорлигини ошириш технологияларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари**

муаммога доир илмий манбалар, таълим самарадорлигини ошириш борасидаги миллий ва хорижий тенденцияларнинг педагогик имкониятларини таҳлил қилиш;

бўлажак сурдопедагогларни қар ва заиф эшитувчи болаларга она тилини ўргатиш амалиётига тайёрлаш моделини такомиллаштириш;

«Она тили ўқитиш махсус методикаси» модулини ўқитиш технологияларини такомиллаштириш;

талабаларнинг «Она тили ўқитиш махсус методикаси» модулига оид билим, кўникма ҳамда компетенцияларини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олий таълимда “Она тили ўқитиш махсус методикаси” модулини ўқитиш самарадорлигини ошириш технологияларини такомиллаштириш жараёни бўлиб, Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти ва Қўқон давлат педагогика институтларининг 300 нафар талабалари иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни олий таълимда “Она тили ўқитиш махсус методикаси” модулини ўқитиш самарадорлигини оширишнинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида муаммога оид илмий манбалар, ДТС, ўқув режа ва фан дастурлари, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни қиёсий ўрганиш ва танқидий таҳлил қилиш, тажрибаларни ўрганиш, кузатиш, суҳбат, анкета, тажриба-синов, натижаларни математик-статистик таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

она тилини ўқитиш самарадорлиги талабаларда методик кўникмаларни векторли-изчил ривожлантириш нутқий кластер талабларини халқаро баҳолаш дастурларига боғлиқлигини фаол нутқ вазиятига мослашиш, ўз фикрини турли шаклларда раво ва аниқ ифодалай олиш малакаларини ҳосил қилиш асосида такомиллаштирилган;

қар ва заиф эшитувчи ўқувчиларга она тилини ўқитиш махсус методикаси эшитиш нуқсонларини ўз-ўзини ривожлантиришдаги эҳтиёжларини қондиришга қаратилган таълим вазифаларини умумий, хусусий ахлоқий кадрият меъёрларини шакллантириш, тузатиш ва компенсациялаш асосида такомиллаштирилган;

она тили ўқитиш махсус методикаси модели боланинг потенциал имкониятларини намоён қилишга қаратилган билимларни мустаҳкамлаш, дарсларнинг ахборот таъминотининг янги авлодини яратиш, ўқитишнинг махсус техник-педагогик жиҳатларини вербал ва новербал мулоқотга мослаштириш асосида такомиллаштирилган;

кар ва заиф эшитувчи ўқувчиларнинг тил ўрганиш мотивлари дактил, дактил-оғзаки, оғзаки-дактил нутқни ўргатишнинг вариативлик тамойиллари ва нутқий-мотивацион коррекциялаш адаптивлиги инсоннинг шахсий хусусиятлари, мослашув ва реабилитация чоралари ҳиссий ва руҳий зўриқишларни босқичма-босқич камайтириб бориш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

педагогика олий таълим муассасаларининг “5111900-Дефектология” бакалавриат таълим йўналиши ишчи ўқув режасининг умумқасбий фанлар блокига киритилган «Она тили ўқитиш махсус методикаси» модулининг замонавий технологияларга асосланган мазмуни ва унинг ўқув-методик таъминоти такомиллаштирилган;

“Она тили ўқитиш махсус методикаси” фанининг ўқув дастури ва ўқув-методик мажмуаси таркибига илғор тенденциялар, замонавий технологиялар сингдирилган;

бўлажак дефектологларни касбий фаолиятга тайёрлашга доир олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари учун махсус курс дастури ишлаб чиқилган;

компетенциявий ёндашувга асосланган ҳолда имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларининг тайёрлов синфлари учун кар болаларнинг тил ўқитиш даврлари ва нутқий кластер талаблари акс этган дарслик чоп этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, педагогик таълим соҳасидаги республикамиз ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, тажриба-синов ишларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги, таҳлил ва тадқиқот таснифининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги, бажарилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, келтирилган таҳлиллар, хулоса ва таклифлар ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабаларнинг касбий фаолиятга тайёрлик даражаларини баҳолашда модулга оид билим, кўникма, малака ва компетенцияларнинг алоҳида мезон эканлиги ҳамда олий таълим битирувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш муаммолари илмий жиҳатдан аниқланганлиги, ушбу муаммоларни бартараф этишнинг шарт-шароитлари, йўллари ва усуллари ишлаб чиқилганлиги, “Она тили ўқитиш махсус методикаси” фани таркибидаги маъруза ва амалий машғулотларда замонавий ва инновацион таълим технологиялари асосида ўқитиш методикасини аниқлаш, талабаларнинг модулга оид билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштириш, таълим жараёнида замонавий ахборот ва

педагогик технологияларни ҳамда интеграциялашган таълим муҳитини жорий этиш методикасини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти педагогика олий таълим муассасаларида инновацион технологиялар асосида «Она тили ўқитиш махсус методикаси» модулини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда, малака талаблари асосида жараёни ташкил этишда, ўқув-услубий мажмуа ҳамда интеграциялашган ўқув муҳитини яратиш ва таълим жараёнида фойдаланишда, ўқитишнинг замонавий таълим технологияларини ишлаб чиқишда ўз ифодасини топади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши** олий таълимда “Она тили ўқитиш махсус методикаси” модулини ўқитиш самарадорлигини ошириш технологиялари мавзусида олиб борилган илмий-тадқиқотлар асосида:

она тилини ўқитиш самарадорлиги талабаларда методик кўникмаларини векторли-изчил ривожлантириш, нутқий кластер талабларини халқаро баҳолаш дастурларига мотивацион боғлиқлигини таъминлаш, тузатиш ва бузилишларининг индивидуал хусусиятларининг таҳлили асосида такомиллаштиришга оид таклифлари мазкур муассасаларнинг тайёрлов синфи “Технология (Предметли амалий таълим)” дарслиги ишлаб чиқилган (Халқ таълими вазирлиги Республика таълим марказининг 2020 йил 30 сентябрдаги 01/11-01/15-1109-сон, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 89-03-4235-сон маълумотномалари). Натижада, олий таълим ва ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари таълим мазмуни интеграциясига эришилган;

кар ва заиф эшитувчи ўқувчиларга она тилини ўқитиш махсус методикаси эшитиш нуқсонларини тузатиш ва компенсациялаш, ўз-ўзини ривожлантиришдаги эҳтиёжларини қондиришга қаратилган таълим вазифаларини ҳал қилиш, умумий, хусусий, ахлоқий кадрият меъёрларини шакллантириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ИТД-1-62 рақамли “Ногирон болаларни тарбиялашда оила, боғча, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини таъминлашнинг илмий-методик асосларини яратиш” номли (2012-2014 йй.) грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 89-03-4235-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак сурдопедагогларнинг эшитишида муаммолари бўлган болаларга она тилини самарали ўргатиш амалиётига методик жиҳатдан тайёрлашга эришилган;

она тили ўқитиш махсус методикаси модели боланинг потенциал имкониятларини намоён қилишга қаратилган билимларни мустаҳкамлаш, барча дарсларнинг ахборот тўйинганлигини ошириш, ўқитишнинг махсус техник-педагогик жиҳатларини фаоллаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ИТД-1-62 рақамли “Ногирон болаларни тарбиялашда оила, боғча, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини таъминлашнинг илмий-методик асосларини яратиш” номли (2012-2014 йй.) грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 89-03-4235-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг вақт ва макондан қатъий назар заиф эшитувчи, кар

болаларга оғзаки ва ёзма нутқни ўргатиш бўйича мустақил фаолиятини методик амалиёт билан боғлиқ равишда тизимли ташкил этиш имконияти кенгайтирилган;

кар ва заиф эшитувчи ўқувчиларнинг тил ўрганиш мотивлари дактил, дактил-оғзаки, оғзаки-дактил нутқни ўргатишнинг вариативлик тамойиллари ва нутқий-мотивацион коррекциялаш адаптивлиги инсоннинг шахсий хусусиятлари, мослашув ва реабилитация чораларининг рационаллагини таъминлаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар “Она тили ўқитиш махсус методикаси” фани бўйича Давлат таълим стандартлари ва модулли якуний назорат топшириқлари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 89-03-4235-сон маълумотномаси), Натижада сурдопедагогика йўналиши талабаларининг она тилига оид билим, кўникма, малакалари ва компетенцияларини тизимли ривожлантиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (4 та республика ва 1 та хорижий журналда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 131 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Олий таълимда “Она тили ўқитиш махсус методикаси” модулини ўқитишнинг назарий асослари”** номли биринчи бобида олий таълим узлуксиз таълимнинг муҳим босқичи сифатида давлатнинг кадрларга бўлган ижтимоий буюртмасини амалга ошириши, амалиётга инновацион технологияларни татбиқ этиш, ўқитиш жараёнида ахборот муҳитини яратиш, талабалар фаолиятини самарали ташкил этиш каби масалаларнинг долзарблиги хорижий ва миллий тадқиқотлар, тажрибаларни қиёсий таҳлил этиш орқали ёритилган. Бўлажак сурдопедагогларни она тили ўқитиш махсус методикасидан самарали фойдаланишга ўргатиш жараёни

педагогик-психологик ва лингводидактик ёндашувларни тақозо этади ва ижтимоий аҳамият касб этувчи масаладир.

Бўлажак мутахассисларни она тили ўқитиш методикасидан самарали фойдаланишга ўргатиш жараёни кенг қамровли бўлиб, нафақат педагогик нуқтаи-назардан, балки лингвистик жиҳатдан ҳам ёндашишни тақозо этади. Шу боис, тадқиқот доирасида олий таълимда тил ўқитиш методикасига оид олиб борилган илмий изланишлар ҳам таҳлил этилган. Жумладан, А.Н.Кохичко “тилни ҳис қилиш”, “тил интуицияси”, “тил сезгиси” тушунчаларининг она тилини ўргатиш ва ўқитишдаги ўрнини асослайди, бўлажак мутахассисларни тил ўқитиш жараёнига ҳиссий тайёрлаш, нутқни руҳий ҳодиса сифатида англашга ўргатиш лозим,-деган хулосани илгари сурса, Л.П.Назарова Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьев ва А.Р.Лурияларнинг нутқ ва тафаккур бирлиги таълимотларига асосланган ҳолда, бўлажак мутахассислар томонидан она тилини ўргатишнинг махсус лингводидактик, лингвопсихологик жиҳатларини эгалланиши касбий регенерациянинг ички механизмларига боғлиқдир,- деб ҳисоблайди.

Р.М.Босқис томонидан қар ва заиф эшитувчи болаларнинг она тилини эгаллаши эшитишни йўқотиш вақти ва даражасига боғлиқлиги, Ф.Ф.Рау томонидан оғзаки нутқ қар болалар учун тилнинг лексика ва грамматикасини эгаллашга замин бўлиб хизмат қила олмаслиги, бу ролни улар учун дактил ва ёзма нутқ бажариши ўрганилган.

Миллий коррекцион педагогикада илмий-тадқиқот кластерига Л.Мўминова асос солган. Ушбу кластернинг логопедия йўналиши бўйича тадқиқотлар кластери таркибида М.Аюпова, Ш.Арипова, З.Ахмедова, Н.Абидова Х.Пўлатованинг илмий изланишлари миллий логопедик мактаб сифатида, Сурдопедагогика йўналиши бўйича Ф.Алимходжаева, Н.Бекмуродов, Н.Дадахўжаева, У.Файзиева, Х.М.Гайнутдинов, З.Мамаражабова, Д.Назарова, Ф.Қодирова, Р.Рустамова, Д.Якубжановалар эшитишида нуқсонли бор болалар таълими мактаби сифатида, Олигофренопедагогика йўналиши бўйича Н.Мусаева, Д.Нуркелдиева, Ф.Пўлатова, М.Ҳақимова, М.Ҳамидовалар ақли заиф болалар таълими ва реабилитацияси мактаби сифатида нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам тан олинади. Ушбу олимларнинг илмий изланишларида имконияти чекланган болаларни сифатли таълим билан қамраб олиш масалалари атрофлича тадқиқ этилган. Жумладан, коррекцион педагогика соҳасида салмоқли иш олиб борган олима У.Ю.Файзиева томонидан олиб борилган тадқиқот ишларида заиф эшитувчи болаларга саводга ўргатиш тизимининг грамматик асослари ва коррекцион-педагогик иш тизими тадқиқ этилган.

Эшитишида муаммоси бор болаларнинг сўзлашув нутқини ривожлантиришда тилга ўргатиш даврларининг вазифаларига амал қилиш лозимлиги Ф.У.Қодированинг илмий изланишида асослаб берилган. Олима қарлар таълими амалиётига “Нутқий кластер”, “Нутқий тартиб” тизимларини олиб кирди. Жумладан, эшитишида муаммоси бор болалар она тилини эгаллаш

даврларининг фарқланиши ҳамда нутқ воситалари, шаклларида фойдаланиш тартиби амалиётга тавсия этилган.

З.Мамаражабованинг “Адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожлантириш” мавзусидаги тадқиқот ишида заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожлантиришнинг дидактик таъминотини адабий таълим жанрлари бўйича инновацион ёндашув асосида ишлаб чиққан ҳамда адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчилар нутқининг ривожлантиришнинг коррекцион-педагогик моделини яратган.

Д.Б.Якубжанова томонидан олиб борилган илмий-тадқиқотларида инсонпарварлик парадигмаси асосида бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг ижтимоий, акмеологик, психологик ва педагогик омиллари ҳамда талабаларда эшитишида нуқсонли бўлган ўқувчилар билан ўзаро биргаликдаги ҳаракатда рефлексив кўникмаларнинг намоён бўлиши каби масалалар тадқиқ қилинган.

Заиф эшитувчи болалар нутқининг грамматик қурилишини шакллантириш методикаси Р.Рустамова томонидан тадқиқ этилган. Олиманинг тадқиқотида заиф эшитувчи болаларни тилга ўргатиш гап тузилиши ҳамда тилини белгиларидан тўғри фойдаланиш бўйича иш турлари амалий-услубий жиҳатдан тизимлаштирилган.

Маълумки, эшитишида муаммоси бор болаларни она тилига ўргатиш улардаги мавжуд эшитиш қолдиғига таянган ҳолда ҳамда уни ривожлантириш орқали амалга оширилади. Эшитиш қолдиғини ривожлантириш масалалари Ф.Алимхўжаеванинг илмий-тадқиқот ишида очиқ берилган.

Санаб ўтилган назарий маълумотлар олий таълимда ўқитилувчи “Она тилини ўқитиш махсус методикаси” модулини сифатли ўқитиш лозимлигини асослайди. Яъни, бўлажак мутахассис қар ва заиф эшитувчи болаларга она тилини махсус ўргатишга ҳар томонлама тайёр бўлиши лозим. Чунки она тилини қар болаларга ўргатиш амалиёти ўзига хос ва ўзгарувчан (қар ва заиф эшитувчи болаларнинг ҳолати ва нутқий имкониятларига боғлиқ равишда)дир. Бунинг учун мутахассисдан мослашувчанлик, мобиллик, педагогик импровизация кўникмаларига эга бўлиш талаб этилади.

“Она тили ўқитиш махсус методикаси” модулининг мақсади бўлажак сурдопедагогларга қар ва заиф эшитувчи болаларга она тилини ўқитишнинг мазмуни, йўналишлари ҳамда усул ва воситаларини ўргатиш ҳисобланади. Модулга оид маъруза машғулотларини талабалар учун мазмунли, қизиқарли ва касбий йўналган тарзда ташкил этилишига таъсир этувчи омиллар қуйидагилар деб белгиланди: педагогнинг она тилини ўқитиш махсус методикасига оид назарий маълумотларни тўлиқ эгаллаганлиги; модулни ўқитишнинг дидактик таъминланганлиги; модулни ўқитишда интегратив ёндашувга таяниш; педагогнинг нутқи; талабаларнинг грамматик билим, кўникма ва малакаларга эгаллиги; ахборот муҳитининг таъминланганлиги.

Диссертацияда инновацион таълим шароитида «Она тили ўқитиш махсус методикаси» модули бўйича маъруза машғулотларини самарали ташкил

этишда кўйидаги тамойилларга устуворлик берилган: шахсга йўналганлик; фаолиятга йўналганлик; коммуникативлик; вариативлик; амалий машғулотлар жараёнида эса: бирдамлик; хато қилишга имкон бериш; прогностик ёндашувнинг устуворлиги; муаммоли вазиятларни яратишнинг устуворлиги; илм-фан-инновация уйғунлиги; рақамли мониторинг устуворлиги каби муаллифликдаги тамойиллар киритилди. Ушбу тамойиллар ҳар бир амалий машғулот якунида талабаларнинг маълум билим, кўникма, малакалар, компетенцияларга эга бўлишини кўзда тутди.

Юқорида келтирилган сурдопедагогика соҳасида, хусусан, эшитишида муаммоси бор болаларни она тилига ўргатишга оид илмий-тадқиқот ишлари шарҳи бўлажак дефектологларга “Она тили ўқитиш махсус методикаси” модули мавзуларини назарий, амалий ва методик жиҳатдан ўргатиш жараёни самарадорлигини ошириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этишда, шу билан бирга, долзарб деб ҳисобланган муаммо ечимини топишда мўлжал олиш имконини берди. Шу боис, дефектолог мутахассислар тайёрлаш тизимида таълимни ҳам мазмунан, ҳам ташкилий жиҳатдан ўзгартириш, жаҳон стандартларини ҳамда илғор тенденцияларни жорий этиш миллий махсус педагогика ва ўқитиш услубиёти олдида турган муҳим вазифалардандир. Хусусан, “Она тили ўқитиш махсус методикаси” модулини ўқитишнинг самарадорлигини ошириш нафақат олий таълим ислохотлари билан, балки махсус коррекцион таълим жараёнини такомиллаштириш вазифалари билан уйғунлашади.

Эшитишида муаммоси бор болаларга нутқ она тили орқали ўргатилади. Яъни дастлаб эшитишида муаммоси бор болалар она тилида мулоқотнинг илк воситаларини ўзлаштиришга киришадилар. Бу жараён эса, ўқитувчиларсиз олиб борилмайди, яъни эшитишида муаммоси бор болалар ўқитувчиларсиз нутқни эгаллай олмайдилар. Бу жараёнга мутахассислар олий таълимда айнан “Она тилини ўқитиш махсус методикаси” модулининг мавзуларини ўзлаштириш орқали тайёр бўладилар, демак эшитишида муаммоси бор болаларни она тилига ўргатишга талабаларни самарали тайёрлаш ўта муҳим вазифалардан биридир.

**Диссертациянинг 2-боби “Олий таълимда “Она тили ўқитиш махсус методикаси” модулини ўқитишнинг амалиётдаги ҳолатини ўрганиш методикаси”** деб номланган бўлиб, унинг биринчи бандида таъкидловчи тажриба-синов ишлари мақсади, вазифалари ва усуллари баён этилган. Ўқув режаларда модул учун ажратилган соатлар миқдори, битирувчилар фаолиятига қўйилувчи стандарт талаблари, уларнинг фаолият доиралари таҳлили амалга оширилди. Сурдопедагогика йўналиши битирувчиларининг юқорида келтирилган ҳуқуқий-меъёрлар мазмунидаги фаолият доирасида бошланғич синфларда ўқитиладиган ўқув фанларини ўқитиши кўзда тутилганлиги, умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича таълим йўналиши ўқув режаларини таҳлил қилишга эҳтиёж туғдирди (1-жадвалга қarang). Таъкидловчи тажриба-синов ишлари орқали шу нарса аниқландики, умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқитувчиларини касбга тайёрлашда она тилини ўрганиш ва уни ўқувчиларга ўргатиш методикаларини ўзлаштиришга катта эътибор қаратилади.

Жадвалдан кўриниб турибдики, умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқитувчиларини касбий амалиётга тайёрлашда она тилини ўқитиш методикасини ўзлаштириш учун соатлар миқдори “Дефектология” йўналишига нисбатан 250 соат кўп ажратилган.

**1-жадвал**

**“Бошланғич таълим услуги” ҳамда “Дефектология” йўналишлари учун ўқув режаларида “Она тили ўқитиш методикаси”га ажратилган соатлар миқдорининг қиёсий таҳлили**

Таълим йўналишлари	Модуллер	Жами соатлар	Умумий	Фарқ
Бошланғич таълим услуги	Она тили ўқитиш методикаси	570	670	
	Бошланғич синфларда она тилидан синфдан ташқари ишлар	100		
Дефектология	Она тили ўқитиш методикаси	296	420	250 соат кам
	Адабий таълимни ўқитиш технологияси	124		

Бу ҳолат бўлажак мутахассисни она тилини ўқитиш амалиётига самарали тайёрлаш имкониятини кенгайтиради. Демак, “Она тилини ўқитиш махсус методикаси” модули соатлари миқдорини кўпайтиришга эҳтиёж мавжуд.

“Она тили ўқитиш махсус методикаси” модули самарадорлигини ўрганишда модул юзасидан жорий, оралик ва якуний назоратларнинг малака талаблари, фан дастурига мослиги, олий таълим муассасаларининг модулга оид методик адабиётлар, мультимедиа ресурслари билан таъминланганлиги, ахборот-коммуникацион технологиялари ёрдамида машғулотларнинг олиб борилиш ҳолати ва талабаларда модулга оид назарий билим, амалий кўникма, малака ва компетенцияларнинг шаклланганлик даражалари таҳлил этилди. Амалиётда “Она тили ўқитиш махсус методикаси” модулининг ўқитилишида талабаларни фаоллаштирувчи, методик амалиётга самарали тайёрлашга йўналтирилган инновацион таълим технологияларидан кенгрок фойдаланишга эътиборни кучайтириш долзарблик касб этмоқда.

Биз куйида “Она тили ўқитиш махсус методикаси” модулини ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган омиллар, тамойиллар, босқичлар технологиялар, усуллардан иборат моделини амалиётга тавсия этдик. (1-расмга қаранг). Мазкур модель ва унинг мазмун моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кейинги босқич тадқиқот ишларини олиб бордик. Мазкур ёндашув илмий-тадқиқот ишимизнинг концепциясини прогностик тузган ҳолда режалаштириш имконини берди.

Таъкидловчи тажриба-синов ишлари натижалари модулни ўқитишда, хусусан, маъруза ва амалий машғулотларни ташкил этиш жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш эҳтиёжи мавжудлигини кўрсатди.

Асосан “Она тили ўқитиш махсус методикаси” модули бўлажак сурдопедагогларнинг касбий амалиётида муҳим назарий ва амалий билимлар билан қуроллантирувчи модул эканлигини инобатга олган ҳолда модулни ўқитиш мазмунига эшитишида нуқсони бор болаларга она тилини ўқитиш амалиёти мазмунини оптималлаштириш лозим деган хулосага келдик.

## Ижтимоий буюртма: Сурдопедагогика соҳаси учун компетентли мутахассис-кадрлар тайёрлаш

Мақсад: “Она тили ўқитиш махсус методикаси” модулни самарали ўқитиш орқали талабаларга қар ва занф эшнгувчи болаларга она тилини ўргатишга онд компетенцияларни ривожлантириш

### Таълим мазмуни

ДПС, малака талаблари

Ўқув режа

Фан дастури

### Таълим шакллари

### Маъруза, амалий, мустақил таълим

#### Таълимни самарали ташкил этиш омиллари

- машғулот мақсадини “SMART” мезонлари асосида белгилашниқ.
- педагогнинг назарий маълумотларини тулиқ эгаллашганилиқ.
- дидактик таъминланганлиқ.
- интегралтив ёндашув.
- педагогнинг вүтқи.
- талабаларнинг личносттик саводдонлиғи.
- ҳаборот муҳитида кулиқ харакатланшиқ.
- мавзуларни үнғүн кетме-кетлиқда берилиши.
- амалий машғулотнинг теҳник, дидактик таъминланганлиғи ва ҳоқалда харакатланшиқ маълумотнинг маққулиғи ва кулиқлиғи.
- амалий машғулотда регламент назорати.

#### Таълим тамойиллари

Ишқилиқ; курғамалилиқ; овқилиқ; назарийни амалиёт билан үнғулиғи; феолиқатта куналганлиқ; личқилиқ; жариятивлиқ; коммуникатив-лик; билиқалиқ; ҳоқо қилишэй шқоқ берлиқ; проғнос-лик ёвошқечлиқ ўсмуворлиғи; мавзуамали ўсмуворлиғи; мав-фан-личқосиқча ўққулиғи.

#### Босқичлар

Мотивацион  
Информацион  
Инструктив  
Рефлексив

#### Таълим технологиялари

Ривожлантирувчи  
(Тесқари нирамида)  
Ўйинли (Пылинчи)  
Муаммоли (STEAM)  
Шаҳса йўналтирилган (CLL)  
Лойиқа (Паз)

#### Методлар

Идрок харигаси  
Эйлер  
диagramмаси  
Қаламба-қалам  
Ақлий ҳужум  
Муаммоли савол  
Кейс-стади  
Блиц-сўров

### Модулни ўқитиш самарадорлиғини ўрганиш мезонлари

Модулга онд назарий билиқларнинг ўлаштирилганлиғи

Модулга онд амалий кўниқма ва малақаларнинг эгалланганлиғи

Модулга онд назарий билиқлар, амалий кўниқма ва малақаларни амалиётда қўллш(компетенция)га тайёрланлиғи

### Модулни ўқитиш самарадорлиғини ўрганиш даражалари:

Юқори

Ўрта

Паст

Ўта паст

Натижа: бўлақак сурдопедагоглар қар ва занф эшнгувчи болаларга она тилини ўргатиш бўйиқча қасбый амалиётга методик жнаҳатдан тайёр бўладилар.

1-расм. “Она тили ўқитиш махсус методикаси” модулни самарали ўқитиш модели

Диссертациянинг “Олий таълимда “Она тили ўқитиш махсус методикаси” модулини ўқитишнинг инновацион технологияларини такомиллаштириш” номли 3-бобида модулга оид назарий ва амалий машғулотларни ташкил этишнинг самарали технологиялари баён этилган. Олий таълим муассасаларида таълимнинг асосий шаклларида бири бу маърузадир. Маъруза жараёнида талабалар назарий билимларни ўзлаштирадilar, ўқув топшириқлари асосида кўникмаларни эгалладilar. Маъруза машғулотларини самарали ташкил этиш бўлажак дефектологларни она тилини ўқитиш амалиётига тайёрлашда муҳим педагогик шарт деган хулоса асосида таълимий тадқиқот йўналиши танлаб олинди. Дастлаб маъруза машғулотларини талабалар учун мазмунли, қизиқарли ва касбий йўналган тарзда ташкил этилиши учун қандай ёндашувлар ва воситалар зарур, деган саволга амалий жавоб топиш устида тажрибалар олиб борилди. Жумладан, маъруза машғулотида мақсаднинг тўғри белгиланишига эътибор қаратилди. Бу ёндашув маърузанинг олиб борилиши ва эришиладиган натижаларни таҳлил қилишда муҳим саналди. Маърузага стратегик мақсад, тактик вазифалар белгиланмас экан, педагог ва талабанинг фаолиятини самарали ташкил этган ҳолда жараёни натижага йўналтириб бўлмайди. Педагоглар учун машғулотни схематик башоратлаш, унга самарали мақсад белгилаш, ушбу мақсадга талабаларнинг тизимли ҳаракатларини ўзида мужассам этган вазифалар орқали эришишни ўргатувчи маъруза машғулотлари ишланмалари тавсия этилди. Маъруза назарий маълумотларни эшитишга мўлжалланган бир томонлама алоқа жараёни эмаслигини, аксинча, мақсад (стратегия), вазифа (тактика) ва кутилаётган натижаларга эга изчил, кетма-кет, яхлит, тизимли, комплекс жараён эканини педагоглар ўртасида тарғиб қилиш мақсадида қисқа муддатли семинарлар ташкил этилди. Семинар мазмуни олий таълим муассасаси педагогларига ўз-ўзини таҳлил қилишга, бўшлиқларини аниқлаб, тўлдиришга йўналтирилди. Талабаларнинг маъруза машғулотида пассив иштирокчи сифатида қолмасликлари учун машғулотни технологик лойиҳалаштириш лозим. Технологик лойиҳалаштириш ўз ўрнида самарали мақсадни, иштирокчилар фаолиятининг вариативлигини ва натижага йўналтирилганлигини тақозо этади. Олий таълим муассасасида маъруза машғулотларига мақсад белгилашда “SMART” мезонларидан фойдаланишнинг имкониятлари тавсия этилди. Мақсадларнинг машғулот якунида эришилган натижалар билан тенглаштирилишида ўлчамлилик, аниқлик, вақт назорати каби мезонлар билан баҳолашда мутаносибликларга риоя этиш муҳим шартлардандир. Маъруза машғулотида мақсадга эришилганлик назарий маълумотларни талабалар томонидан ўзлаштирилиши билан баҳоланади. Амалиётда модулга оид мавзуларнинг машғулотлар жараёнида талабалар томонидан оптимал ўзлаштирилишини таъминлаган қатор усул ва технологиялар методик контекстда тақдим этилди.

Илмий-тадқиқот жараёнида маъруза машғулотини унинг мақсадидан келиб чиқиб, босқичларга ажратилиши лозим,- деган хулосага келинди. (2-расм). Мотивацион босқичда талабаларга диққат машқлари таклиф этилади: “Рангли ҳарфлардан зарур сўзни топиш”. Талабалар экранда намойиш этилган аралаш

ҳамда турли рангли ҳарфлардан, ўқитувчи сўраган рангдаги ҳарфларни тезкор топади, дафтарига ёзади, сўнгра сўз ҳосил қилади. Сўралган сўз: “Она тили”. Педагог машғулот мавзусини шу сўз билан боғлаб эълон қилади. Инструктив босқичда “Қадам-бақадам” стратегияси асосида педагог модулга оид назарий маълумотларни кетма-кет, муаммоли саволлар остида ҳамда тақдимот орқали изчил равишда тушунтириб бериши талаб этилади. Рефлексив босқичда педагог флипдоскасига: “Мен бугун дарсда...” тўлиқсиз жумлани ёзган ҳолда талабаларнинг фикрларини умумлаштиради. Айрим маърузалар мақсадига боғлиқ равишда қуйидаги босқичларда ташкил этилди: мотивацион босқич: ўқитувчи “Агар дунёда ҳарфлар бўлмаса...” фикрини флипдоскага ёзган ҳолда талабаларнинг бу хусусидаги фикрларини ўрганади ва умумлаштиради. Информацион босқич: мавзуга оид назарий маълумотлар турли диаграммалар асосида қиёсий ўргатилади. Инструктив босқичда талабаларга ўқув топшириқлари берилди. Масалан, талабаларга метопланкарталар тарқатилади ва улар метопланкарталарда берилган сўзларни хуснихат қоидаларига риоя қилган ҳолда анализ-синтез-товуш-ҳарф методи асосида парчалаб ёзадилар. Сўнгра талабалар метопланкарталарни алмашган ҳолда бир-бирларини ўзаро баҳолайдилар.



**2-расм. “Она тили ўқитишнинг махсус методикаси” модулига оид маъруза машғулотларининг босқичлари**

Маъруза машғулотлари қанчалик самарали олиб борилмасин, уларда берилган маълумотлар амалий тарзда талабалар томонидан эгалланиши таъминланмаса, модулни ўқитишда самарадорликка эришиб бўлмайди. Бу эса, талабаларда касбий компетенцияларни етарлича шаклландирганига олиб келади. Шу боис, биз тадқиқотимиз давомида, модулни амалий машғулотларини ташкил этишда самарали усуллардан ва воситалардан фойдаланишнинг дидактик имкониятларини асосладик. Амалий машғулотлар маърузаларда берилган назарий маълумотларни ҳаёт билан боғлаш имконини

берувчи асосий таълим шаклларида ҳисобланади. Амалий машғулоти учун машқлар ва топшириқлар тизимини танлашда ўқитувчи ўрганилаётган фан, мавзу ва топшириқларнинг бажарилиш усуллари тўғрисида яхлит фикрга эга бўлиши муҳимдир. Амалий машғулотлар репродуктив, продуктив, ижодий таълим муҳити бўлиб, назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқликни таъминлайди, талабаларнинг маъруза ва мустақил иш жараёнида олган билимларини, амалий кўникмаларини ривожлантиришга ҳисса қўшади. Аксарият илмий нашрларда “Амалий машғулоти” тушунчасига жуда кенг қамровли тавсиф берилди. Ушбу тавсифларни умумлаштирувчи белгилар сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин: ўқитувчининг раҳбарлиги остида олиб бориладиган мақсадли жараён; ўқув дастурига асосланган муайян фанга оид иш услубларини ўзлаштириш машғулоти; мутахассисни касбий муҳит билан таништирувчи машқлар тўпламини ўқитувчи ёрдамида ёки мустақил бажариш имконини берувчи жараён. Биз тўпланган маълумотлар ҳамда тажрибалар асосида амалий машғулоти шахсий таърифимизни шакллантирдик. Демак, амалий машғулоти талабалар учун илмий ва назарий билимларни ҳаёт билан боғлаб чуқурлаштиришга, фан ва мавзуга хос ҳаракатлар тизимини ўзлаштиришга йўналтирилувчи топшириқларни бажариш бўйича машқ майдонидир. Маъруза ва амалий машғулоти бир-бири билан услубий боғлиқ бўлиши керак. Маъруза талабаларни амалий машғулоти, кейинги маъруза учун амалий топшириқларга тайёрлаши керак. Амалий машғулотида жамоавий, гуруҳли бажаришга мўлжалланган топшириқлардан фойдаланилса, талабалар ўзларини эркин ҳис қилишади, тушунарсиз бўлган нарсаларни сўрашдан қўрқмайдилар ва натижада, соҳани тўлиқ ўзлаштириш имконига эга бўладилар. Чунки ҳар қандай машқларда қилинган хато тузатилади ва касбий фаолиятдаги катта муаммоларнинг олди олинади. Маъруза ва амалий машғулотнинг мақсади нафақат ўқитувчига, балки талабаларга ҳам аниқ бўлса, улар касбий фаолият тажрибасини ўзлаштириш зарурлигини англайдилар ва билимларни касбий фаолият амалиёти билан боғлайдилар. Ўқитувчининг вазифаси талабаларга етакчи илмий ғоялар ва фундаментал тушунчалар, қоидаларнинг амалий аҳамиятини кўрсатишдир. “Она тилини ўқитиш махсус методикаси” модулини ўқитишда биз амалий машғулотларни олиб боришнинг алгоритминини шакллантирдик. Ушбу алгоритмни ишлаб чиқишда муаммони асослашга бағишланган дастлабки кузатиш ишлари натижаларига таянилди. Амалий машғулотида ўқитувчиларнинг тайёргарлик кўриши ва машғулоти ўтказиши бўйича алгоритм: машғулотнинг дидактик мақсадларини шакллантириш; талабаларда шаклланиши лозим бўлган умумий ва касбий компетенцияларни кўз олдида келтириш ҳамда ўқув топшириқларига боғлаш; фанлараро алоқаларни ҳисобга олган ҳолда вақтни тақсимлаш; ўқитиш шакллари ва усуллари танлаш, дидактик материалларни тайёрлаш; рағбатлантириш ва қайд қилиб бориш усуллари ва воситаларини тайёрлаш; қўшимча материаллар, манбаларни топиш ва тайёрлаш.

Амалий машғулотидаги асосий йўналишлари ажратилди:

Когнитив мақсадларга эришишни таъминлайдиган машғулотида маърузада ўрганилган ёки етарлича ўрганилмаган билимларни ўзлаштиришга эътибор қаратилади. Ўқув топшириқлари материал (қоида, таъриф, тасниф...)ни оддий ёдлашдан бошлаб, маълумотларни янги вазиятлар (тажриба, машқлар орқали)да

